Ўзбекистон - келажаги буюк давлат

# Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

15 октябрь, шанба, 1994 йил
Сотувда эркин нархда. № 203 (951)



СУРАТДА: "Дўстлик" орденини топшириш пайти.

А. ИЛЁСОВ (ЎзА) олган сурат.

## "ДЎСТЛИК" ОРДЕНИ ТОПШИРИЛДИ

14 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Навоий кон металлургия комбинати директори Николай Кучерскийга "Дўстлик" орденини топширди.

— Николай Ивановичнинг йирик корхона сардори сифатида мамлакатимиз саноати равнақига катта меҳнатлари сингган,-деди Ислом Каримов. — Бугун Ўзбекистон халқига сидқидилдан меҳнат қилаётган шундай инсонга мустақил диёримиз нишонини топшираётганимдан хурсандман.

— Ўзбекистон истиқлолга эришган дастлабки кунларданоқ унинг мустақиллигига, толеи порлоқ халқига садоқат билан хизматда бўлишни ният қилган эдим,-деди Н. Кучерский Ислом Каримовга миннатдорлик билдирар экан. — Шу эзгу ниятим йўлидаги камтарин меҳнатимнинг бу қадар юксак баҳоланиши мени ғоят руҳлантиради. Мамлакатимиз ободлиги, халқимиз фаровонлиги йўлида бор кучимни аямай меҳнат қиламан.

(ЎзА).

## ПЕДИАТРЛАРНИНГ ХАЛҚАРО КОНГРЕССИ

Тошкентда педиатрларнинг иккинчи халқаро конгресси ўтказилмоқда. Анжуманга Марказий Осиё мамлакатларидан, Озарбайжон ва Туркиядан, Кипрдан, шунингдек Россия Федерацияси таркибидаги Бошқирдистон ва Татаристондан мутахассислар келган. Конгрессда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Педиатрларнинг халқаро уюшмаси, БМТ Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ), АҚШ, Буюк Британия, Швейцария, Миср, Италия, Испания ва бошқа мамлакатлар вакиллари ҳам иштирок этмоқда. Тўрт кун давомида болалар ўлимини камайтириш, болаларнинг турли касалликларига қарши кураш муаммолари муҳокама қилинади. Шифокорлар тажриба алмашадилар, тиббиётнинг энг устувор соҳаси — она ва бола саломатлигини сақлаш соҳасидаги куч-ғайратларини мувофиқлаштирадилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов педиатрларнинг халқаро анжуманига табрикнома йўллаб, унинг иштирокчиларини самимий табриклади, эзгу иш — фарзандларимиз саломатлигини сақлашда уларга муваффақият тилади. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Э. Халилов табрикномани ўқиб берди.

Ўзбекистон Педиатрлар халқаро уюшмасининг тўла ҳуқуқли аъзоси бўлган. Бу — республика шифокорларининг оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасидаги хизматларидан далолатдир.

Ўзбекистон олимлари ва мутахассислари педиатрларнинг Туркияда бўлиб ўтган биринчи конгрессида фаол иштирок этган эди.

— Маданиятимиз ва анъаналаримизнинг ўхшашлиги мамлакатларимиз халқларини бирлаштириб турибди,-дейди конгресс президенти, Ўзбекистон педиатрия илмий-тадқиқот институтининг директори профессор О. Маҳмудов. — Бу эса, соғлиқни сақлашнинг кўпгина муаммоларини биргалашиб ҳал қилишимизга, куч-ғайратларимизни тиббиёт фанининг энг устувор йўналишларига қаратишимизда ёрдам беради. Шифокорларнинг ушбу анжумани тиббиёт ходимлари ҳамкорлигини кенгайтиришга, болалар орасида ичак, ўпка касалликлари ва юқумли касалликлар кўпайишига қарши курашда уларнинг биргаликда иштирок этишига кўмаклашмоғи лозим. Педиатрларнинг иттифоқи тузилгани ҳам бу ишда янги имкониятлар очади. Болалар касалликлари шифокорларининг уюшмаси соф тиббий вазифаларни ҳал этишдан ташқари, халқларимиз ўртасидаги тинчлик ва тотувликни мустаҳкамлашга ёрдам бериши ҳам шубҳасиздир.

Л. СТРУННИКОВА,
ЎзА мухбири.

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ХХРГА ТАШРИФИГА ДОИР

Хитой Халқ Республикаси Раиси Цзян Цзэминнинг таклифига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 1994 йил 24-26 октябрь кунлари давлат ташрифи билан Хитой Халқ Республикасида бўлади.

**Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги матбуот шўъбаси.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ БАЁНОТИ

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Афғонистон Ислом Давлатининг расмий органлари сўнгги пайтларда Ўзбекистон Республикаси шаънига Афғонистоннинг ички ишларига "аралашиш", жумладан, Ўзбекистон Қуролли Кучларининг Афғонистондаги муҳолиф томонлар ўртасидаги ички урушга аралашуви бобида тез-тез айб қўяётганидан жиддий равишда ташвишланмоқда ва бу бўҳтондан ғазабланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси шаънига қилинаётган асоссиз туҳматни қатъиян рад этамиз ва шуни маълум қиламизки, бундай айблашлар Афғонистондаги ва унинг ташқарисидаги маълум кучларнинг жаҳон ҳамжамияти кўз олдида Ўзбекистоннинг обрўсига, унинг тинчликпарварлик саъй-ҳаракатларига путур етказишга, икки қўшни давлат ўртасидаги муносабатларга раҳна солишга ва минтақада кескинликни янада кучайтиришга уринишдан бошқа нарса эмас.

Афғонистонда қуролли қарама-қаршилик ва биродаркушлик уруши давом этаётганидан Ўзбекистон ҳамиша ташвишланиб келди ва Афғонистон муаммосини ҳал этишни енгиллаштиришга имкон берадиган аниқ чора-тадбирларни барча манфаатдор давлатлар билан муҳокама қилишга тайёр эканини бир неча бор таъкидлади.

Биз Афғонистон муаммосини ҳал этишда унинг ички ишларига ҳар қандай давлатнинг аралашувини истисно этадиган тинч ёндашувларни ишлаб чиқиш зарур, деган фикрда қатъий турибмиз.

Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеясининг 48-сессиясида Тошкентда БМТ ҳомийлигида минтақа хавфсизлиги муаммолари юзасидан доимий ишлайдиган семинар ўтказиш ташаббускори бўлди.

Ўзбекистон ва Россия ташқи ишлар вазирларининг 1994 йил 8 февралдаги Афғонистонга доир қўшма баёнотида республиканинг қатъий бетарафлик мавқеи ва бу мамлакатнинг ички ишларига аралашмаслиги ифода этилган.

Шу йил сентябрь ойида, бу жафокаш мамлакатнинг ишларига қуролли аралашмоқда деб иғвогарлик билан республикамизга навбатдаги айб қўйилаётган кунларда, Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича кенгашнинг Тошкентда бўлиб ўтган семинарида Ўзбекистоннинг Афғонистондаги можароларни тинч йўл билан бартараф этишга минтақадаги барча соғлом кучларни ва жаҳон ҳамжамиятини жалб қилиш зарур деган даъвати янгради.

Шу йил 4 октябрь куни Ўзбекистон БМТ Бош ассамблеяси 49-сессиясининг минбаридан Афғонистон ички ишларига аралашишга йўл қўйиб бўлмаслигини ва минтақавий можаролар ҳудудига қурол келтиришни тақиқлаб қўйиш зарурлигини яна бир бор таъкидлади.

Биз Афғонистоннинг раҳбарлари, у ердаги турли сиёсий кучлар Ўзбекистоннинг бу мамлакатдаги аҳволдан ташвишда экани, унинг минтақадаги можароларни бартараф этишдаги тинчликсеварлик йўлини, мустақил Афғонистон билан яхши қўшничилик муносабатларини ва ўзаро фойдали ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантиришга интилаётганини тўғри тушунадилар, бундан буён мамлакат ичкарисида ҳам, унинг ташқарисида ҳам бундай тинчликсеварлик душманларининг турли-туман қилмишларига йўл қўймайдилар, чинакам ватанпарварлик билан доно йўл тутиб ва биродаркушлик урушининг аччиқ оқибатларини ҳисобга олиб, куч-ғайратларини бутун Афғонистон халқи манфаатлари ва бахт-саодати йўлида миллий тотувликка эришишга қаратадилар, деб умид қиламиз.

**Тошкент шаҳри,
1994 йил, 14 октябрь.**

## МУСТАҚИЛЛИК — УЛКАН МАСЪУЛИЯТ

Илгари хабар қилинганидек, 13 октябрь куни Тошкентда Вазирлар Маҳкамасининг йиғилиши бўлди. Уни республика Президенти Ислом Каримов бошқарди. Йиғилишда вазирликлар, давлат қўмиталари, ташкилотлар, уюшмалар, концерн ва корпорациялар раҳбарлари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари иштирок этди.

Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида 1994 йилнинг тўққиз ойида республика бюджети бажарилишининг якунлари, ўзаро ҳисоб-китобларни яхшилаш, пул муомаласини янада барқарорлаштириш, миллий валюта — сўмнинг харид қувватини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари ҳамда республика ички бозорини озиқ-овқат, саноат моллари билан тўлдириш масалалари муҳокама этилди.

— Мустақиллик шароитида яшаш, ишлаш кўнгилга бир олам ғурур ва шукуҳ бахш этибгина қолмай, ҳар бир вазир, раҳбар, ҳатто оддий фуқаро зиммасига улкан масъулият ҳам юклайди,— деди Президент Ислом Каримов мажлисни очиб.— Зеро, Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир фуқаронинг куни қандай кечади, таъминоти нима бўлади, мустақил ватанимизнинг порлоқ келажаги нечук барпо этилади — бу саволлар қаршисида барчамиз жавобгармиз. Илгари бирон бир муаммо туғилса Москвада ҳал этиларди. Бугун эса, тақдиримиз ўз қўлимизда, демакки, ҳар бир муаммонинг ечимини ҳам ўзимиз топишимиз керак. Бу эса теварак-атрофимизда, қўшни мамлакатларда рўй бераётган воқеаларга тийрак кўз билан қарашимиз, сезгир бўлишимиз, улардан ўзимизга керакли хулоса чиқариб олишимизни тақозо этади. Чунки, ҳеч бир мамлакатнинг иқтисодиёти, умуман ҳаёти ташқи оламдан узилган ҳолда кечмайди.

Шу маънода, куни кеча Москва Банклараро валюта биржасида рўй берган фавқулодда воқеа, яъни Россия рублининг АҚШ долларига нисбатан қадри кескин пасайиб кетиши бизни ҳушёр торттириши даркор, деди Президент. Бу, таъбир жоиз бўлса, огоҳлантирувчи қўнғироқдир. Бундай деганимнинг сабаби шундаки, биздаги кўплаб йирик корхоналарнинг фаолияти ҳали ҳам Россия билан чамбарчас боғлиқ. Биз у ердан турли маҳсулот ва кўплаб бутловчи материаллар оламиз. Рублнинг қадрсизланиши ана шу материалларнинг нархига таъсир этиши мумкин. Шу жиҳатдан, тузилган шартномаларни бажаришда, янгиларини тузишда вазирликлар, корхоналар раҳбарлари, мутахассислар ўта ҳушёрлик билан иш кўришлари талаб этилади.

Масаланинг яна бир томони шундаки, Москвада рўй берган ана шу воқеа бизнинг бозоримизга қандай таъсир ўтказади? Бизда ҳам шунга ўхшаш вазият вужудга келмайдими? Бунинг олдини олиш учун нималар қилиш керак? Бугун бу ерда мана шу мураккаб саволларга ҳам жавоб топишимиз, амалга оширишимиз зарур бўлган чора-тадбирларни белгилаб олишимиз лозим.

Шу ўринда пулнинг қадрсизланишига асосан нима сабаб бўлади, деган саволни ўртага қўйиб, таҳлил қилиш жоиздир.

Мутахассислар, қолаверса, ҳаммамиз ҳам яхши биламизки, бунинг сабаби муомалада ортиқча, бошқача қилиб айтганда, товар билан таъминланмаган нақд пулнинг кўпайиб кетишидир. Хўш, бу "ортиқча" пул қандай пайдо бўлади? Мана шу ерда ўзаро тўловлар муаммоси келиб чиқади. Айтайлик, бир корхона зарар кўриб ишлайди, бошқа корхоналардан қарз, банкдаги ҳисоб варақасида пули йўқ. Лекин унга турли йўллар билан кредит берилаверади. У шу ҳисобдан ходим ва ишчиларига маош тўлайди. Кўриб турибсизки, ортиқча, товар билан таъминланмаган пул муомалага чиқади. Агар бундай корхоналар мамлакат бўйича ўнта, юзта бўлса-чи? Буёғини ўзингиз тасаввур қилаверинг. Демоқчиманки, пул қадрсизланишига асосий сабаб — корхоналарнинг амалга оширилмаган ўзаро тўловлари — бир-биридан қарзидир. Биз бу хавфнинг олдини олиш мақсадида марказ ва вилоятларда кредит бериш бўйича махсус комиссиялар тузган эдик. Афсуски, улар зиммасига юклатилган вазифани тўла бажармаяпти. Йўқса, республика корхоналарининг ўзаро қарзи 5 миллиард сўмдан ортиб кетганини қандай тушунмоқ керак?

Энди ўзаро қарз қандай пайдо бўлишини кўриб чиқайлик. Дейлик, бир корхона муайян маҳсулотни ишлаб чиқаради. Албатта уни сотиши керак. Шунда беparволикка йўл қўйилади. Маҳсулот тўлов қобилиятига эга бўлмаган, яъни пули йўқ харидорга жўнатиб юборилади. Демакки, сотувчи маҳсулоти учун пул ололмайди. Бундан ташқари, маҳсулот ишлаб чиқариши учун бировдан хомашё олган, электр қуввати, газ ва бошқа сарф-харажат қилган. Ўз навбатида ишлаб чиқарувчи ҳам бировдан қарз. Шу йўсин охири топилмайдиган "қарзлар занжири" пайдо бўлади.

Бунга йўл қўймаслик учун нима қилиш керак? Ҳар бир ишлаб чиқариш корхонаси тўлов қобилиятига эга харидоргагина маҳсулот етказиб бериши, бунга ана шу вазирлик, корхона раҳбари шахсан масъул бўлиши лозим. Афсуски, бизда кўплаб раҳбарлар ҳисоб-китобни пухта билмайди, бу ишлар билан жиддий шуғулланмайди. Гўё бу масалаларни улар учун ҳукумат, Молия вазирлиги, банк ечиб бериши керак! Энди ишга бундай ёндошишга чек қўйиш пайти келди. Қайсики раҳбар "текин"га маҳсулот берса, ҳақини вақтида ундириб ололмаса, бунинг оқибатида ишчилари маошсиз қолса, ана шу одамлар олдида ўзи жавоб беради. Токи улар маошсиз қолишига ким сабабчи эканини аниқ билиб қўйсин, ҳукуматдан, банкдан пул бермяпти, деб беҳуда ранжиб юрмасин. Ёки ўзаро тўлов амалга ошмаслиги оқибатида ун ўсимлик ёғи, шакар каби зарур маҳсулотлар таъминотида бирон узилиш рўй берса, бундан албатта аҳоли жабр кўради. Хўш, бунга ким жавоб беради? Яна такрорлайман, вазирлар, корхона раҳбарлари, билиб қўйинглар, бу борада талаб қаттиқ бўлади, деди Президент.

Биз бозор иқтисодиётини шакллантириш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш борасида бир қанча қонунлар қабул қилганмиз. Мен келтирган мисоллардан кўриниб турибдики, вазирликлар, корхона раҳбарлари ана шу қонунларга тўла амал қилмаяпти. Шундай экан, Адлия вазирлиги, Прокуратура, Хўжалик суди қаёққа қараяпти? Нега улар баъзи муттаҳамларга қарзни тўлаш шартлигини эслатиб қўймайди. Қонунга мувофиқ жавобгарликка тортмайди? Ахир, биз ҳуқуқий давлат барпо этяпмиз-ку! Шундай экан, бу давлатда қонунлар сўзсиз бажарилиши шарт эмасми?!

Умуман, бу вазиятдан чиқишнинг йўли борми? Бор. Бу йўл — хусусийлаштиришни жадал амалга оширишдир, дея таъкидлади Ислом Каримов. Чунки, корхонанинг ҳақиқий эгаси бўлса, у бир мисқол ҳам маҳсулотни бировга текинга бермайди. Ҳақини нима қилиб бўлсада, ундириб олади. Шунинг учун мулкни давлат тасарруфидан чиқариш жараёнини чуқурлаштириш, одамлар онгига мулкка эгалик ҳиссини янада теранроқ сингдириш даркор.

Инфляцияни пасайтириш, миллий валютамизнинг харид қувватини мустаҳкамлашнинг яна бир йўли пул эмиссиясини камайтириш, яъни одамлар қўлида пул тўпланиб қолишига йўл қўймаслик, уни товарлар таклиф этиш, хизмат кўрсатиш орқали банкка қайтаришдир. Афсуски, жойларда бу борада ҳам етарли чора-тадбирлар кўрилмаяпти. Қорақалпоғистон Республикасида, Хоразм, Жиззах, Сурхондарё вилоятларида берилган пулнинг ўртача 70-75 фоизи одамлар қўлида қолиб кетяпти. Вилоят ва туман ҳокимлари эса ойлик бериш учун пул юборинг, дейишдан нарига ўтмаяпти. Ваҳоланки, улар ички истеъмол бозорини тўлдириш, янги пуллик хизмат турларини ташкил этиш ҳақида қайғуриши керак!

Биз Ўзбекистоннинг танлаган ўз йўли бор деймиз. Иқтисодиётнинг устивор тармоқларига инвестициялар бериш, аҳолининг турмуш даражаси пастлаб кетишига йўл қўймаслик ана шу йўлимизнинг муҳим жиҳатларидандир, деди Президент. Ўзингиз ўйланг, пахта ва ғалла етиштиришга, Дўстлик ва Асакадаги автомобиль заводлари қурилишига, Мингбулоқ ва Кўкдумалоқ нефть конларини ўзлаштиришга, ободонлаштириш ишларига маблағ ажратмай бўладими? Ахир, улар орзу қилаётган буюк келажагимизни таъминлайдиган, охир-оқибатда бизни иқтисодий мустақилликка олиб чиқадиган соҳалар-ку! Қолаверса, нефть ва ғалла билан ўзимизни таъминласак, шунинг ўзиёқ йилига қарийб 1 миллион тонна пахта толасини тежаш имконини беради. Ҳадемай, бу сарфлаган маблағларимизнинг, фидокорона меҳнатимизнинг самарасини кўрамиз! Ёки баъзи Ҳамдўстлик мамлакатларидагидек, одамларнинг 2-3 ойлаб, ҳатто ярим йиллаб маош олмаслигига йўл қўйиш мумкинми?

Йўқ, асло! Халқимизнинг табиати шундайки, уйида бир қоп-ярим қоп ун, озгина ёғ, шакар, чой заҳираси бўлмаса, ўзини хотиржам сезмайди. Шукрки, республикамизда ана шундай энг зарур маҳсулотлар етарли миқдорда ғамлаб қўйилган. Бундан одамларнинг кўнгли тўқ бўлсин. Шундай экан, халқимиз яратган бойликни асраб-авайлашимиз, мамлакатимизда молия интизомини янада мустаҳкамлашимиз, ички бозоримизни зарур озиқ-овқат ва саноат моллари билан тўлдиришимиз, қисқача айтганда, иқтисодиёт қонунларига амал қилиб ишлашимиз ва яшашимиз лозим. Зеро, барчамизнинг мақсадимиз бир. У ҳам бўлса, ватанимизни обод, халқимизнинг ризқини тугал кўриш, ана шу эзгу мақсад йўлида хизмат қилишдир, деди Президент пировардида.

Мажлисда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди. Ўзаро ҳисоб-китобларни қисқа муддатда ҳал этиш, сўмнинг қадрини мустаҳкамлаш, республикада пул муомаласини барқарорлаштириш, солиқ сиёсатини такомиллаштириш хусусида республика Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, банк муассасаларининг масъулиятини янада ошириш зарурлиги таъкидланди. Ички бозорни истеъмол моллари билан тўлдириш юзасидан тегишли уюшма ва ташкилотларга аниқ топшириқлар берилди.

Мажлисда республика Бош вазирининг ўринбосарлари Б. Ҳамидов, М. Усмонов, Марказий банк бошқаруви раиси Ф. Муллажонов ва бошқалар муҳокама этилган масалалар юзасидан ахборот бердилар.

Йиғилишда республика Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Э. Халилов, Бош вазир А. Муталов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Бош вазир ўринбосарлари қатнашди.

**Аҳмад ХЎЖА
(ЎзА).**

*• ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ ХАБАР ҚИЛАДИ*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУДУДИДА ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАДА САВДО ҚИЛИШ ВА ХИЗМАТ КЎРСАТИШГА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ РУХСАТНОМАСИНИ ОЛГАН КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълум қиладики, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 7 октябрдаги "Ўзбекистон Республикасида Валюта бозорини ривожлантиришнинг қўшимча чоралари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, 15 октябрдан бошлаб ҳуқуқий ва жисмоний шахслар-Ўзбекистон Республикаси резидентлари ва норезидентлари ўртасидаги тўлов ва ҳисоб-китоблар фақат миллий валюта — сўмда амалга оширилади. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий валютада савдо-сотиқ қилиш ва хизмат кўрсатиш хусусида илгари корхона ва ташкилотларга берилган рухсатномани бекор қилади.

## ТАШКИЛИЙ МАСАЛА КЎРИЛДИ

Тошлоқ туман кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлди. Унда ташкилий масала кўрилди. С. Ғофуров бошқа ишга ўтгани муносабати билан Тошлоқ тумани ҳокими лавозимидан озод этилди.

Фарғона вилоят ҳокимининг ўринбосари бўлиб ишлаб келган Сотволди Мирзаев Тошлоқ тумани ҳокими этиб тасдиқланди.

Сессияда Фарғона вилояти ҳокими М. Исломов сўзга чиқди.

(ЎзА).

## ЯНА ИККИ ТУМАН МАРРАГА ЕТДИ

*Пахта тайёрлаш юзасидан давлат буюртмасини уддалаш арафасида турган Хоразм вилоятидан яна икки хушхабар олинди. Вилоятнинг Янгиариқ ва Гурлан туманлари пахта сотиш режасини уддаладилар.*

*Тайёрлов пунктлари янгиариқлик заршунослардан 21150 тонна "оқ олтин" қабул қилиб олди. 7100 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 30 центнердан хирмон кўтарилди.*

*Гурлан тумани пахтакорлари эса мавжуд 10600 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 29,5 центнердан ҳосил олдилар. Ялпи хирмон салмоғи 31000 тоннага етди.*

*Режалар уддаланаётган бўлсада, далаларда ҳали ҳосил мўл. Шу боис, Янгиариқ тумани пахтакорлари ялпи ҳосил миқдорини 25 минг тоннага, гурланликлар эса 38 минг тоннага етказишни мўлжаллаб туришибди.*

А. СОБИРОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

